

«Қувонч бахш эт!»

ҲАЙРИЯ АКЦИЯСИНИНГ ҶОТО-ҲИСОБОТИ

Раҳбарият ташаббуси билан 1 -16 сентябр кунлари “Daewoo Textile Fergana” корхонасининг учала фабрикаси бўйлаб «ҚУВОНЧ БАХШ ЭТ!» номли ҳайрия акцияси ўтказилди.



Корхонамизнинг барча ходимлари, шунингдек Корхона раҳбарияти Фарғона вилоят 86-сонли интернат тарбияланувчиларга чин дилдан ёрдам беришни хоҳлаб, кўнгилли тарзда акцияда иштирок этдилар.

Акция давомида корхона ходимлари томонидан болалар буюмлари, оёқ кийимлар, ўйинчоқлар йиғилди. Шунингдек 945 200 сўм миқдорида пул маблағлари йиғилган бўлиб, бу пул маблағларига болалар учун ўқув қуроллари, дарсликлар, спорт анжомлари, ўйинчоқлар, кийим ва ширинликлар сотиб олинди.



Корхона томонидан эса болалар учун дам олиш хонаси жиҳозлаб берилди. Хона учун мебел (китоб жавонлари, стол-стул, палос), телевизор «LG», DVD плеер сотиб олинди.



18 сентябр куни Корхона Президенти жаноб Ли Со Ил интернат раҳбарияти билан биргаликда болалар учун дам олиш хонасини тантанали равишда очиб бердилар.



Очилиш маросимидан сўнг, “Daewoo Textile Fergana” Корхонаси ходимлари томонидан тайёрланган “ҚУВОНЧ БАХШ ЭТ!” номли хайрия концерти намоиш этилди.

Концертда шунингдек, интернат тарбияланувчилари ҳамда Марказий Маданият Уйидан таклиф этилган “Қуёшча” болалар рақс гуруҳи иштирок этдилар.



Интернат ўқувчилари “Муха-Цокотуха” (Вайсақи пашша) мусиқий эртагини ижро этдилар ва турли кўшиқлар куйладилар; “Daewoo Textile Fergana” ходимлари эса болалар учун кизикарли ўйинлар ва мусиқий чиқишлар тайёрладилар.



Концерт сўнгида Корхона Президенти жаноб Ли Со Ил нутк сўзладилар ҳамда ажойиб корейсча кўшиқ ижро этиб бердилар.



Концерт охирида корхона ходимлари томонидан йиғилган буюмлар Фарғона вилояти 86-сонли интернатга топширилди. Болалар бундан жуда хурсанд бўлдилар.

**ИНТЕРНАТ РАЎБАРИЯТИ ВА “DAEWOO TEXTILE
FERGANA” ПРЕЗИДЕНТИ НОМИДАН
“ҚУВОНЧ БАХШ ЭТ”**

**АКЦИЯСИДА ИШТРОК ЭТГАН БАРЧА ХОДИМЛАРГА
ЎЗ МИННАТДОРЧИЛИГИМИЗНИ БИЛДИРАМИЗ!**

Яхшилик қилсангиз, албатта у сизга қайтади!